

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ

**Соибназарова Муқаддас Норпўлатовна – катта ўқитувчи Жиззах
давлат педагогика университети**

Исломқулова Динара-Бошланғич таълим факультети 3-курс талабаси

АННОТАЦИЯ: Ушбу мавзуда Инсонпарварлик билан боғлиқ масалалр жамияттараққиётининг барча босқичларида одамзод, халқлар ва миллатларнинг виждони бўлган мутафаккирлар, алломалар, олимуму фузалоларнинг фалсафий қарашлари ҳақида.

Калит сўзлар: комил инсон тарбияси, маънавий мерос, маънавий омиллар.

Инсон қадр-қимматининг мазмун ва моҳияти намоён бўлиш шакллари билан боғлиқ муаммоларнинг фалсафий таҳлили узоқ тарихга эга. Бинобарин, инсонпарварлик билан боғлиқ масалалар жамият тараққиётининг барча босқичларида одамзод, халқлар ва миллатларнинг “виждони” бўлган мутафаккирлар, алломалар, олму фузалоларнинг фалсафий қарашларида муҳим ўрин тутиб келган. Шу жиҳатдан ҳам инсон қадр-қиммати муммоси шарқ фалсафаси, хусусан, Марказий Осиё мутафаккирлари ижодининг марказида турган, десак хато бўлмайди. Марказий Осиёда инсон қадри билан боғлиқ ғоялар ривожида мусулмон Ренессанси муҳим аҳамиятга эга. Уйғониш даври мутафаккирлар инсон қадри “унинг юксак ахлоқий фазилатларга: олийжаноплик, саховат ва дўстлик фазилатларига эришишга қадрлигига, деб билдилар”.

Антик давр фанининг ворисий давомчилари бўлган мусулмон фани ва маданиятининг йирик вакиллари, хусусан, Марказий Осиё мутафаккирлари инсон муаммолари ёритишда қадимги юнун фалсафасининг илғор анъаналарининг ижодий давом эттирдилар.

Бу давр мутафаккирлари Ғарбий Европа Уйғониш даври гуманистлари сингари ижтимоий ҳаётдаги ғоявий ва сиёсий курашларга бефарқ қарамадилар. Уйғониш даври фалсафалари ва умуман ижоднинг турли соҳалари билан шуғулланувчи мутафаккирлар қарашларида намоён бўлган бош ғоя инсонларнинг ўзаро муносабатларида ҳамжиҳатлик ва хамкорликка асосланган ҳаёт тарзини эътироф этиш учтун бўлди. Бу хол айниқса адабиёт ва санъатда тўла равишда ўз аксини топади.

Инсонпарварлик ғоялари асосида ижтимоий синфлар, гурухлар, айниқса, ҳукумрон синфлар ва мазлум меҳнаткашлар оммаси ўртасидаги ижтимоий муносабатларни “инсонийлаштиришга” хизмат қилиш лозим эди. Жамиятнинг бу босқичида гуманизим билан боғлиқ ғоялар ривожи табиий

билимлар ривожи билан ўзаро боғлиқ бўлди. Таббий фанларнинг кенг миқиёсида ўсиб илгарилаб бориши билан инсоннинг имкониятлари, ақлий ва ҳиссий билиш қобилятларининг олға томон ташланаётган одамлари аҳамияти ҳам орта боради. Моддий оламни илмий билишнинг янги усулларининг юзага келиши инсоннинг ақлий ва амалий имкониятларига асосланган куч-кудратига бўлган ишончни мустаҳламлади.

“Ақлий билишга асосланувчи, уни тарғиб қилувчи, улуғловчи метод, рационализим шаклланади ва ривож топади”. Шу боисдан инсон мумаммоси ўша давр фанларининг кўпчилигига ўз ифодасини топди. Олий мавжудод бўлган инсонни матҳ этиш, унинг қадри ва келажаги хақида қайгуриш анъанасига буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий тамал тошларини қўйди. Унинг фалсафий фикр тараққиёти учун тарихий хизмати шундаки, у биринчи бўлиб Ислом оламида жамиятнинг келиб чиқиши ва ривожланиши хақида изчил, социологик таълимот яратди.

Фаробий таълимоти инсон ҳаётининг мақсад ва вазифалари, жамиятнинг инсонга, инсоннинг жамиятга бўлган муносабатларини қамраб олди. Фаробий жамиятнинг асосини инсонлар муносабатининг ўзига хос пойдевори деб, улар ўртасидаги фақат инсонгагина хос бўлган инсонийликни кўра билган. “Одамларга нисбатан, - деб таъкидлайди Фаробий; - уларни бирлаштириб турувчи ибтидо инсонийликдир”. Алломанинг ушбу фикрига ижтимоий ҳаётда жуда қўп исботлар топса бўлади. Чунки, фақат меҳроқибат, инсонийликкина одамларни бирлаштирувчи кучdir. Фаробийнинг фикрича, одамзоднинг мавжуд бўлиши табиатнинг камолотга етишишининг асосий шартидир.

Фаробий инсонни эъзозловчи жамоани одамлар уюшувининг олий шакли, деб билади ва фозил шаҳар, жамоалар орқалигина инсонийлик қадрланиши мумкин деб фикрлайди. Файласуф ўз даври учун характерли бўлган ўзаро феодал урушлар, босқинчиликларга асосланган жамиятни, политеэмни инсонийликка қарши асосий куч деб билади.

Унда “Давлатнинг вазифаси инсонларни баҳт-саодатга олиб боришидир, бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади”. Фаробийнинг олийжаноб инсоний 12 та хислатга эга комил инсони фақатгина фозил жамоада шаклланади деб таъкидлайди. Файласуф инсоннинг ақл ва замонавий, ижодий ва бунёдкорлик фаолиятига кучига юксак баҳо беради. Унингча, инсон табиатдаги жонзотлар ичидаги олий мавжудотдир.

Фозил шаҳар одамларининг орасида ижтимоий, синфий, диний ихтилофлар бўлмаслиги бугунги кун учун ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Фозил шаҳар шундай маконки, “Ҳақиқий баҳтга эришиш учун зарур бўлган ишларида ўзаро ёрдамни мақсад қилиб олган инсонлар бирлашмаси мавжуд бўлган шаҳар фазилатли шаҳардир баҳтга эришиш учун инсонларни бир-бирига ёрдам берувчи жамоа фазилатли, етук жамоадир. Баҳтга эришиш учун шаҳарларга ўзаро ёрдам берувчи халқ фазилатли, етук халқдир. Шу тартибда

барча халқлар баҳтга эришиш учун бир-бирига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли етук бўлади”.

Ўрта аср Шарқ Уйғониш даври ва жаҳон маданиятининг йирик ваклларидан бўлган, қомусий олим Абу Али Ибн Сино ўзининг фалсафий қарашларида Фаробий анъанасини давом эттириди ва ривожлантириди. Унинг ижоди орқали инсон хақиқатдан фалсафий қарашлар янги босқичига кўтарди. Аристотель сингари Ибн Сино ҳам инсонни ижтимоий мавжудод сифатида талқин этади. Инсонларни жамият ичида бир-бирининг турли эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилишга ва уларнинг ижтимоий фаолияти умумий интили ва мақсадга эга бўлишлари лозимлигини билдиради.

“Хусусан, у инсоннинг кундалик амалий ишларидағи энг зарурий аҳлоқий, камтарлик, иззат, хурмат, жасурлик, тўғрилик соғдиллик каби аҳлоқий қоидаларга алоҳида эътибор берган. Инсоннинг жамоада ўзини тутиши, оила аъзоларининг ўзаро алоқалари жамиятда турли табақаларнинг Ибн Сино асарларида атрофлича ёритиб берилган”.

Ибн Сино инсонни дунё мавжудодлари ичида ақл-идрокка эга ягона зот деб улуғлаш билан бирга инсон шу юксак номга муносиб бўлиши кераклигини ҳам таъкидлайди. Ибн Сино бўйича, барча инсонларга хос бўлган роҳат ва фароғатга интилиш ҳаракати одамларда икки хил кўринища намоён бўлишини ўз асарларида келтириб ўтади:

1. Ички руҳий дунёси пок одамлар маънавий озиқни вужудий роҳатдан юқори қўяди.
2. Нодон кишилар эса бунинг акси – жисмоний роҳатга интиладилар.

Демак, инсон, аввало, маънавий камолотга интилиш ва шундан кейингина жисмоний лаззатга интилиши лозим. Аллома ҳар бир инсоннинг қадр-қимматга эга эканлигини эътироф этди. Адолатни инсоннинг энг яхши безаги ҳамда реал дунёда баҳтли яшаши мумкинлигига ишонади ва инсонларнинг эзгу истаклари фақат фозил жамоадагина амалга ошишини таъкидлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Тошкент: 1971. 38-бет.
2. Буюк сиймолар, алломалар. - Тошкент: 1997. 39-бет.
3. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Тошкент: 1993. 187-бет.
4. Ҳасанбоев Ж. Тўракулов X, Ҳайдаров М, Ҳасанбоева О. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Т. Фан ва технология. 2008 й.
5. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Тошкент: 1971. 38-бет.
6. Буюк сиймолар, алломалар. - Тошкент: 1997. 39-бет.
7. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Тошкент: 1993. 187-бет.
8. Soibnazarova, M. (2022). ЗНАЧЕНИЕ ТРУДА АБДУРАУФА ФИТРАТА В ОБРАЗОВАНИИ РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ. Журнал Педагогики и

психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5100>

9. Soibnazarova, M. (2022). ПРОЯВЛЕНИЕ ИДЕИ ПРОСВЕТИТЕЛЬСТВА И ЧЕЛОВЕЧНОСТИ В ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АБДУЛХАМИДА ЧУЛПАНА. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5101>

10. Soibnazarova, M. (2022). БҮЮК МАЪРИФАТПАРВАР М.БЕҲБУДИЙНИНГ ПЕДАГОГИК ФИКРЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДАГИ АҲАМИЯТИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5572>

11. Soibnazarova, M. (2022). ЁШ АВЛОДНИНГ МАҶНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА МУТАФАККИРЛАРНИНГ ФИКРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5573>

12. Soibnazarova, M. (2022). АЛЛОМАЛАР АСАРЛАРИДА ИНСОНПАРВАРЛИК МУАММОЛАРИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5574>

13. Norpulatovna, S. M. (2021, January). THE PROBLEMS OF HUMANITY IN PHILOSOPHICAL SCIENTIST. In Euro-Asia Conferences (Vol. 1, No. 1, pp. 478-479).

14. Sanakulova, Z. A., & Soibnazarova, M. N. (2017). Modular training as a pedagogical technology. Pedagogicheskoe masterstvo: X Mezhdunarodnaya nauchnaya konferentsiya, Moskva, iyun'2017.

15. Munarova, R. N. O. S., & Soibnazarova, M. N. L. (2022). ONTOGENEZNING TURLI DAVRLARIDAGI SHAXS IQTIDORINI NAMOYON BO 'LISH JIHATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(2), 682-688.

16. Соибназарова, М. Н., & Санакулова, З. А. (2016). Некоторые психологические проблемы общения в подростковом возрасте. Молодой ученый, (5), 737-739.

17. Санакулова, З. А., Соибназарова, М. Н., Бойтураева, Н. И., & Юлдашев, Ш. Э. (2016). Психологические условия формирования навыков самостоятельного мышления у учащихся. Молодой ученый, (8), 1022-1024.

18. Soibnazarova, M. (2022). YOSHLAR TARBIYASIDA ABDURAHMON JOMIYNNIG ASARLARIDAN FOYDALANISH. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5634>

19. Jumanazarova, Dilnoza Umurzaqovna and Soyibnazarova, Muqaddas Norpulatovna (2022) "SOME CONSIDERATIONS ON THE CLASSIFICATION

OF SPIRITUAL AND MORAL VIRTUES, " Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal: Vol. 2022 : Iss. 1 , Article 13.

20. Soibnazarova, M. (2022). ILM-MA'RIFAT VA AXLOQ TO'G'RISIDAGIFIKRLAR JALOLIDDIN DAVONIY ASARLARIDA. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(3).

21. Soibnazarova, M. (2022). ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА МУТАФАККИРЛАРНИНГ ФИКРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(6).

22. Soibnazarova, M. (2022). АБДУРАУФ ФИТРАТ АСАРЛАРИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5).

23. Soibnazarova Muqaddas Norpulatovna. (2021). THE PROBLEMS OF HUMANITY IN PHILOSOPHICAL SCIENTIST. Euro-Asia Conferences, 1(1), 478–479. Retrieved from

<https://papers.euroasiaconference.com/index.php/eac/article/view/15>

24. Soibnazarova, M. (2022). АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТИДА МАЪРИФАТПАРVARЛИК, ИНСОНПАРVARЛИК ФОЯЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИЛИШИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5).